



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКМАНИСТОН ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ РАИСИ ЎРИНБОСАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 14 сентябрь куни икки томонлама ҳукуматлараро комиссияларнинг тадбирлари доирасида мамлакатимизда бўлиб турган Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Эсенмират Оразгелдиевни қабул қилди.



Кўп қиррали Ўзбекистон — Туркменистон ҳамкорлигини янада кенгайтиришнинг амалий жиҳатлари кўриб чиқилди.

Олий даражадаги мунтазам мулоқотлар биродар мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш, уларни аниқ мазмун билан боийтишга хизмат қилаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Эсенмират Оразгелдиев Ўзбекистон етакчисига самимий қабул учун миннатдорлик билдирди ҳамда Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг саломи ва энг эзгу тилаklarини етказди.

Шунингдек, шу кунларда Тошкент шаҳрида ўтказилган икки томонлама ҳамкорлик ва сув ҳўжалиги масалалари бўйича қўшма ҳукуматлараро комиссиялар йиғилишларининг асосий натижалари тўғрисида маълумот берди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистонда ўтказилган саммитга пухта ва ҳар томонлама тайёргарлик кўриш, энг аввало, мазмунли кун тартибини шакллантириш, шунингдек, иқтисодийнинг турли тармоқларида саноат кооперацияси лойиҳалари ва маданий-гуманитар алмашинув дастурларини илгари суриш муҳим эканини таъкидлади.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ ЕТАКЧИЛАРИ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИЛАР

14 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди. Афғонистонда вужудга келаётган вазиятни ҳисобга олган ҳолда минтақа кун тартибидagi масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шунингдек, Президентлар бўлажак олий даражадаги учрашувлар режасини кўриб чиқдилар.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И ШАРТНОМАВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни янада такомиллаштириш, айрим шартномаларни тузишда ўрнатилган сунъий чекловларни олиб ташлаш, шунингдек, шартномавий муносабатларда ахборот тизимларидан фойдаланиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Адлия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Монополияга қарши курашиш қўмитасининг 2021 йил 1 декабрда қўйидагиларни бекор қилиш ҳақидаги таклифига розилик берилсин:

тижорат банкларига етказиб берилган маҳсулот (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар) учун тўловларни учинчи шахслар ҳисобидан қабул қилишга қўйилган тақиқни; давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган ҳўжалик юритувчи субъектларнинг маҳсулотларни етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш) тўғрисида тузиладиган шартномаларида мажбурий равишда олдидан тўловни белгилашга доир талабни;

қишлоқ ҳўжалиги ва чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчилари ва тайёрлов ташкилотлари ўртасида тузиладиган шартномаларда мажбурий равишда авансни белгилашга доир талабни.

Таъкидлансинки, ушбу банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошиларида назарда тутилган олдидан тўлов ва аванс шартнома тарафларининг келишувига мувофиқ белгиланади.

2. Жисмоний шахсларга қарз шартномаларини нотариал тасдиқлаш орқали чет эл валютасида ўзаро қарз бериш ва қайтариб олишга рухсат берилсин.

Давоми 2-бетда

ХМК БИЛАН ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 14 сентябрь куни Халқаро молия корпорацияси бошқарувчи директори Махтар Диоп бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



иқтисодийнинг барча устувор соҳалари ва тармоқларини қамраб олган.

2016 йилда мамлакатимизда ХМК фаолияти қайта тикланди. Утган даврда Корпорация амалиётларининг ҳажми уч баробар ортиб, қарийб 200 миллион долларни ташкил этди.

Бугунги кунда давлат-хусусий шериклик тизимини ривожлантириш, транспорт соҳасини модернизациялаш, банк секторини трансформация қилиш, микромолиялаш институтларини ислох қилиш, тўқимачилик тармоғига халқаро стандартларни жорий этиш ва бошқа йўналишларда муҳим лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Музокаралар чоғида соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларидаги ислохотларни қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, соҳада бошқарув тизимини такомиллаштириш ва жараёнларни рақамлаштиришга доир дастур ва лойиҳаларда ХМКнинг иштирокини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Бундан ташқари, тадбиркорлик соҳасида, бизнесни молиялаштиришнинг самарали механизмларини, давлат корхоналарини хусусийлаштириш ва давлат-хусусий шериклик тизимини ривожлантиришдаги илғор тажрибани жорий этиш борасида ҳамкорлик қилиш, шунингдек, Ўзбекистонда "яшил технологиялар"ни татбиқ этиш, шу жумладан, энергетика ва қишлоқ ҳўжалигидаги инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш муҳим экани таъкидланди.

Қўшма "йул харитаси"ни тайёрлаш ва мунтазам экспертлик учрашувларини ўтказишга келишиб олинди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

Учрашув аввалида давлатимиз раҳбари таркибида ХМК ҳам фаолият кўрсатувчи Жаҳон банки гуруҳи билан самарали ҳамкорлик изчил ривожланаётгани ва стратегик

шериклик мустаҳкамлашиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Очиқ ва конструктив мулоқот, ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги даражага

олиб чиқишга ўзаро интилиши туфайли Ўзбекистонда Жаҳон банки иштирокидаги қўшма лойиҳаларнинг портфели 5 миллиард долларга етган ҳамда мамлакатимиз

АФҒОНИСТОНГА ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ ЖЎНАТИЛДИ

Афғонистоннинг Ҳайратон шаҳрида 14 сентябрь куни ушбу мамлакат халқига Ўзбекистон томонидан ажратилган инсонпарварлик ёрдами топширилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Инсонпарварлик ёрдами ун, турли озиқ-овқат маҳсулотлари, бирламчи зарур товарлар, дори-дармонлар, кийим-кечак ва пойабзаллардан иборат бўлиб, бу ўзбек халқининг биродар Афғонистонга кўрсатаётган хайрихошлигининг яна бир ифодасидир.

Маросимда сўзга чиққан Афғонистон муваққат ҳукумати расмий вакили Забиҳулла Мужоҳид бутун афғон халқи номидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга бугунги синовли даврда мамлакатга

кўрсатилаётган юксак эътибори ва қўллаб-қувватлаши учун чуқур миннатдорлик билдирди.

Алоҳида қайд этилганидек, Афғонистон халқига кўмак кўрсатиш чақирувига Ўзбекистон раҳбари биринчилардан бўлиб эътибор қаратди. Унинг сиёсатини кўп миллатли Афғонистон халқи чинакам инсонпарварлик, биродарлик ва яхши қўшничиликнинг намоён бўлиши сифатида баҳолади.

Тадбирда сўзга чиққан Балх вилояти губернатори Қудратилло Абу

Ҳамза инсонпарварлик ёрдами ўз вақтида берилибгина қолмай, балки алоҳида эҳтиёж эканини, бу эса халқларимиз ўртасида асрлар оша давом этиб келаётган тарихий, маданий ва маънавий алоқаларнинг яна бир исботи эканлигини таъкидлади.

Унинг сўзларига кўра, бу ёрдам аслида Афғонистонга пандемия оқибатларини бартараф этишга, шунингдек, мамлакатда юзага келиши мумкин бўлган озиқ-овқат инқирозининг олдини олишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси
Ташқи ишлар вазирлиги
Матбуот хизмати.
(ЎЗА)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О И МАХСУС ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР ИШТИРОКЧИЛАРИНИ ЯНАДА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини мустаҳкамлаш, шунингдек, тадбиркорларнинг муаммо ва таклифларини бевосита ўрганиш ҳамда тадбиркорликни келгусида ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш бўйича 2021 йил 20 август куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан очик мулоқоти

доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Белгилансинки:
2020 йил 1 январдан бошлаб махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларига фойда солиғи бўйича имтиёзлар бекор бўлганлиги муносабати билан мазкур солиқ имтиёзларининг фойдаланилмай қолган қисми 2020 йил 1 октябрга қадар

махсус иқтисодий зона иштирокчиларининг реестрига киритилган иштирокчилар учун, улар томонидан киритилган инвестициялар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда, улар реестрга киритилган санадан бошлаб 3 йилдан 10 йилгача бўлган муддатларда тўлиқ қўлланилади;

Давоми 2-бетда



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ШАРТНОМАВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда қарз шартномасини нотариал тасдиқлаганлик учун ҳамда қарз шартномасидан келиб чиқадиган пул суммасини ундириш бўйича ижро хатларини ёзиб берганлик учун ундириладиган давлат божи миқдорини икки баравар камаййтиришни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга қўра, 2022 йил 1 январдан:

а) суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда мол-мулкни реализация қилиш бўйича электрон онлайн аукционда сотувга қўйилган мол-мулк уни сотишдан тушган пул маблағлари ҳисобидан аукцион голибига қарзларсиз ва тақиқлардан ечилган ҳолда топширилади. Бунда, мол-мулкни сотишдан тушган пул маблағлари етарли бўлмаганда қарздорликни тўлаш мажбурияти унинг собиқ эгаси — қарздор зиммасида қолади.

Аукцион голиби томонидан мулкни қабул қилиб олмаганининг қўйидаги ҳолларида закат пули аукцион голиби мурожаат қилган кундан бошлаб ўз иш қуни ичида қайтариб берилиши шарт:

аукционда сотилган мол-мулк аукцион объектнинг кўрсатилган техник тавсифларига мос келмасда;

мол-мулк аукционда сотилгунга қадар бўлса ва бу ҳолда аукцион якунланганидан сўнг аниқланса;

б) шартноманинг тарафи иккинчи тарафдан шартнома бўйича мажбуриятларни тўла ёки қисман бажаришини қабул қилган ёхуд шартноманинг амал қилишини бошқача тарзда тасдиқлаганда, ушбу шартномани кейинчалик ҳақиқий эмас деб топишни талаб қилишга, агар бундай талаб ҳалоплиқ принципига зид бўлса, ҳақиқ эмас;

в) ҳужжалик юридувчи субъектлар томонидан давлат харидлари билан боғлиқ тузиладиган шартномаларда мажбурий равишда коррупцияга қарши қўшимча шартлар белгиланади.

Шартноманинг тарафи ва у томонидан жалб қилинган шахслар (ёрдамчи пудратчи ташилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахслар) томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларга риоя этилмаганда, иккинчи тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни қўллаб беришнинг талаб қилишга ҳақиқи бўлади;

г) юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан солиқ ва божхона тўловлари бўйича қарздорлик туланмаганда, солиқ ёки божхона органлари банкка тўловчининг ҳисобварақаридаги қарздорлик

суммасига тенг миқдордаги пул маблағларини музлатиб қўйиш ва уларни ўттиз календарь кунидан сўнг ундириш тўғрисидаги фармойишни бу ҳақда тўловчини хабардор қилган ҳолда юборди.

Хабарнома олинган пайтдан бошлаб ўттиз календарь кун ичида тўловчи томонидан ушбу фармойиш устидан судга шикоят қилинган тақдирда, мижознинг ҳисобварағини пул маблағларини чиқариш ёки чиқармаслик суднинг қарорига мувофиқ амалга оширилади;

д) коммунал соҳа, энергия билан таъминлаш, алоқа хизмати, йўловчи ва юкларни ташуш ва бошқа шу каби катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлган соҳаларда табиий монополия субъектлари томонидан ишлаб чиқилган оммавий шартномалар монополияга қарши курашиш органи билан келишилганидан сўнг истеъмолчилар билан тузилади.

4. Намунавий шартномаларни қонуности ҳужжатлар билан тасдиқлаш амалиёти бекор қилинсин, қонун билан тўғридан-тўғри тарафлар учун мажбурий бўлган намунавий шартномалар тасдиқлини назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

5. Қўйидагилар:

Фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномаларни тузиш ва мажбуриятларни бажаришдаги муносабатларни янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар режаси 1-иловага мувофиқ;

Фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар намуналарини ишлаб чиқиш бўйича “йўл харитаси” 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Адлия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Марказий банк ва Савдо-санаят палатасининг электрон тижоратда электрон савдо майдончалари орқали маҳсулотлар олди-сотдиси амалга оширилаётганда ва бошқа соҳаларда битимлар тузишда эскроу тизимини жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

7. Фермер хўжалиқлари ва тайёрлов ташкилотларига контрактация шартномаларини ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда электрон шаклда тузиш ва рўйхатдан ўтказиш тавсия этилсин.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда контрактация шартномаларини ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда электрон шаклда тузиш ва рўйхатдан ўтказиш учун зарур шарт-шароитларни яратсин.

8. Олий суд судлар томонидан шартномавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни кўриб чиқишда ҳамда шартномалар шартларини шарҳлашда қонунчилик ҳужжатларини қўллаш бўйича суд

амалиётини тизимли равишда, лекин камида ярим йилда бир марта, таҳлил қилсин ва натижаси юзасидан ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини шакллантириш учун судларга тегишли кўрсатмалар бериб босин.

9. Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда коммунал соҳа ва бошқа шу каби соҳаларда аҳолига товарлар етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиши амалга оширувчи давлат корхоналари икки ой муддатда аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан шартномалар тузишда ахборот тизимларидан кенг фойдаланиш чора-тадбирларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

10. Молия вазирлиги давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталида харид қилиш тартиб-таомиллари устидан жамоатчилик назоратини янада кучайтириш мақсадида давлат буюртмачилари томонидан тузилган шартномалар реестрига:

тузилган шартномалар ҳамда уларга ўзгариш кiritиш тўғрисидаги қўшимча келишувлар бўйича барча ҳужжатлар ва ахборотлар;

шартноманинг амал қилиш муддати туғанда, шартнома бажарилганда ёки у бекор бўлганда, давлат буюртмачиси томонидан шартноманинг бажарилиши юзасидан ҳисобот мажбурий равишда жойлаштириб борилишини таъминласин.

11. Монополияга қарши курашиш қўмитаси Адлия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда табиий монополия субъектлари томонидан ишлаб чиқилган оммавий шартномаларни истеъмолчиларнинг ҳуқуқларига риоя этилганиги, тарафларнинг тенглиги таомиллари мувофиқлиги нуктаи назардан таҳлил қилсин ҳамда заруратга қўра оммавий шартномаларни қайтадан ишлаб чиқиш юзасидан таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

12. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан тузиладиган энергетика, кон-металлургия, алоқа соҳасидаги инвестиция шартномаси лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишиш босқичида етакчи халқаро консалтинг ва юридик компанияларни жалб қилиш ҳамда уларни молиялаштириш манбаларини аниқлаш бўйича таклифларни бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб олий

таълим муассасаларида ўқитиш бўйича шартномаларнинг ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда электрон шаклда тузилиши амалиётини йўлга қўйсин.

14. Адлия вазирлиги:

Марказий банк билан биргаликда уч ой муддатда электрон тижоратни амалга оширишда эскроу тизимидан фойдаланиш қоидаларини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Савдо-санаят палатаси билан ҳамкорликда ахборот тизими орқали шартномаларни имзолаш, сақлаш ва жўнатиш бўйича хизматларни кўрсатиш соҳасига тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилиш бўйича тадбирларни амалга оширсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонлари 3-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

16. Адлия вазирлиги:

а) Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳамда Савдо-санаят палатаси билан биргаликда икки ой муддатда ҳўжалик юридувчи субъектлар томонидан шартномалар тузишда қўллаш учун тавсиявий характерга эга бўлган коррупцияга қарши қўшимча шартларни ишлаб чиқсин ва эълон қилсин;

б) уч ой муддатда шартномалар намуналарини “yurxizmat.uz” махсус ахборот порталига жойлаштирсин ва уларни қонунчиликка киритиладиган ўзгаришлардан келиб чиқиб назорат ҳолатида юритсин;

в) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

икки ой муддатда намунавий шартномаларни тасдиқлаш тўғрисидаги қонуности ҳужжатларни хатловдан ўтказиб, ушбу фармонга номувофиқ бўлган қонуности ҳужжатларни ўзгартириш ёки бекор қилиш юзасидан тегишли таклифларни уларни қабул қилган органга киритсин;

уч ой муддатда қонунчиликка ушбу фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб адлия вазири Р.Қ.Давлатов белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бериш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри, 2021 йил 14 сентябрь

Ш.МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ МАХСУС ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР ИШТИРОКЧИЛАРИНИ ЯНАДА ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларига 2021 йил 15 сентябрдан бошлаб махсулот ишлаб чиқаришда ва ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бутловчи буюмлар, хомашё ва материалларни импорт қилганда қўшилган қиймат солиғи ва божхона божини фойзалар ҳисобланмаган ва уларнинг тўланишини таъминлаш талаб этилмаган ҳолда 120 кунгача муддатга кечиктириб (бўлиб-бўлиб) тўлаш ҳуқуқи берилади.

2. Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси махсус иқтисодий зоналарнинг иштирокчиларига ортиқча қўшилган қиймат солиғи суммасини етти кун ичида қўллаб бериш тартибига қатъий амал қилсин.

Бунда, камерал солиқ текшируви натижаларига қўра қўпланган қўшилган қиймат солиғи суммаси асосизлиги аниқланган тақдирда, мазкур сумма белгиланган тартибда ундирилади.

3. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Иқтисодий тарақиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда:

икки ой муддатда махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларига улар томонидан киритилган инвестициялар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда фойда солиғи бўйича имтиёзлар беришни назарда тутувчи қонун лойиҳасини;

2022 йил 1 июлга қадар халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда махсус иқтисодий зоналар фаолиятини, уларнинг вазифалари ва кутилаётган натижаларни, шунингдек, уларни жойлаштириш жойларини белгилаган ҳолда янада такомиллаштириш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.У.Умурзаков зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2021 йил 14 сентябрь

Аҳолининг Президент сайловидек муҳим сиёсий тадбирда фаол қатнашиши ва сайлов кампанияси даврида фуқаролардан келиб тушадиган мурожаатлар сони кўпайишини инобатга олган ҳолда, Марказий сайлов комиссияси Матбуот маркази ҳузурда “12-00” ягона қисқа рақамли Call марказ ишга туширилмоқда.

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНING АХБОРОТИ

Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил 11 ва 14 сентябрь кунлари бўлиб ўтган мажлисларида сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган қўйидаги номзодлар 2021 йил 24 октябрь кунини бўлиб ўтадиган сайловда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинди:

— Ўзбекистон Экологик партиясидан — Нарзулло Наимович Обломуродов, 1975 йилда туғилган, Ўзбекистон Экологик партияси Марказий кенгаши раиси, Тошкент шаҳрида истиқомат қилади, Ўзбекистон Экологик партияси аъзоси;

— Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан — Максуда Азизовна Варисова, 1961 йилда туғилган, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий кенгаши раисининг ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари, Тошкент шаҳрида истиқомат қилади, Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси;

— Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан — Шавкат Миронович Мирзиёев, 1957 йилда туғилган, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Тошкент шаҳрида истиқомат қилади, партиясиз;

— Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясидан — Алишер Келдиевич Қодиров, 1975 йилда туғилган, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий кенгаши раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Тошкент шаҳрида истиқомат қилади, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси аъзоси;

— Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидан — Баҳром Абдураҳимович Абдуҳалимов, 1959 йилда туғилган, “Адолат” социал-демократик партияси Сийёсий кенгаши раиси, Тошкент шаҳрида истиқомат қилади, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси аъзоси.

Кўриб чиқилган масалалар бўйича қарорлар Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида эълон қилинди.

ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОДЛАР РўЙХАТГА ОЛИНДИ



Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил 14 сентябрь кунини бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида партиядан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодларни рўйхатга олиш, сайловда иштирок этадиган халқаро ташкилотлар кузатувчилари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари аккредитациядан ўтказиш масалалари кўриб чиқилди.

Марказий сайлов комиссиясининг шу йил 14 августдаги мажлисида мамлакатимизда фаолият юритаётган бешта сиёсий партияга Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этишга рўхсат бериш тўғрисидаги гувоҳномалар ҳамда мазкур партиядарни қўллаб-қувватловчи сайловчилар имзо варақалари бланкалари топширилгани ҳақида хабар берган эдик.

— Сайлов қонунчилигига мувофиқ, белгиланган вақт давомида Марказий сайлов комиссияси томонидан тузилган имзо варақаларининг тўғри тўлдирилганини текширувчи эксперт гуруҳлари ва ишчи гуруҳи аъзолари сиёсий партиялар томонидан Марказий сайлов комиссиясига тақдим этилган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни рўйхатга олиш ҳақидаги ҳужжатларни ва номзодларни қўллаб-қувватлаб берилган имзо варақаларининг тўғри

Алишер Келдиевич, Ўзбекистон Экологик партиясидан Обломуродов Нарзулла Наимович, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ворисова Максуда Азизовна, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидан Абдуҳалимов Баҳром Абдураҳимович, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Мирзиёев Шавкат Миронович Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сифатида расман рўйхатга олинди. Сиёсий партияларнинг ваколатли вакилларига Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни рўйхатга олиш тўғрисидаги қарори ҳамда номзодларнинг гувоҳномалари топширилди.

Шунингдек, мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида халқаро ташкилотлардан қатнашадиган Япония, Грузия, Россия, Татаристон ва Беларусь республикаларидан 6 нафар хорижий кузатувчи рўйхатдан ўтказилди.

Комиссия аъзолари томонидан оммавий ахборот воситалари вакиллари аккредитациядан ўтказиш масаласи ҳам кўриб чиқилди ва Марказий сайлов комиссиясига келиб тушган яна 5 та маҳаллий оммавий ахборот воситасининг жами 23 нафар вакили аккредитациядан ўтказилди. Шу кунга қадар аккредитациядан ўтказилган маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари сони 930 нафарни ташкил этмоқда.

Баҳром ХИДИРОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

БУГУНДАН ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ БўЙИЧА “12-00” ЯГОНА ҚИСҚА РАҚАМЛИ CALL МАРКАЗ ИШ БОШЛАЙДИ



Бу ҳақда Марказий сайлов комиссияси Матбуот марказида бўлиб ўтган матбуот анжуманида хабар қилинди.

Эндилгида сайловчилар, сайлов ташкилотчилари, журналистлардан келиб тушадиган саволларга Марказий сайлов комиссияси, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Давлат бошқаруви академияси, Миллий гвардия институти ва ИИБ академияси вакилларидан иборат таркибда тузилган экспертлар гуруҳи сайлов қонунчилиги асосида атрафлича жавоб беради.

Алоҳида ўрганиш талаб этиладиган ҳолатларда Марказий сайлов комиссиясига ёзма шаклда мурожаат этиш тавсия қилинади.

Call марказ замонавий компьютер жиҳозлари, интернет билан таъминланган. Марказ ўз фаолиятини Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 1-уйда (Маърифат маркази, Симпозиумлар саройи биносида) олиб боради.

Қайд этиш жоизки, сайлов кампанияси даврида бир қатор хорижий давлатларда Call марказ фаолияти йўлга қўйилди. Жумладан, 2020 йили АҚШда бўлиб ўтган президент сайловида АҚШ сайловларни ўтказиш комиссияси томонидан ҳар бир штат учун алоҳида Call марказ ишга туширилган. Шунингдек, Россия Федерациясидан Давлат думасига 2021 йил 19 сентябрда бўлиб ўтадиган сайловда ҳам Россия Федерацияси Марказий сайлов комиссияси томонидан “Горячая линия” фаолияти йўлга қўйилган.

ИНСОН ВА ТАБИАТ

ЯҚИН КЕЛАЖАҚДА ЧЎЛЛАР ЯШИЛ ХУДУДГА АЙЛАНАДИ



Ер қурсининг тобора экологик инқирозга юз тутиб бораётгани инсониятни бу борада жиддий бош қотиришга мажбур қилляпти. БМТ Бош қотиби Антониу Гутерришнинг: “Кўз ўнгимизда бутун бошли экотизимлар йўқ бўлиб бормоқда, наботот ва ҳайвонот олами йўқ бўлиш ёқасида турибди, сув-ботқоқлик майдонлари қуримокда, чўл худудлари эса тобора кенгаймоқда. Ҳар йили 10 миллион гектар ўрмон йўқотилмоқда, океанлар пластик чиқиндига тўлиб-тошмоқда ва инсоният атроф-муҳитга чиқараётган карбонат ангидридни тобора кўпроқ ютиши оқибатида оксидланмоқда. Шу билан бирга, табиатни муҳофазалашга уни йўқ қилаётган соҳаларга қараганда камроқ пул сарфланмоқда”, дегани вазият ўта жиддий эканидан далолат беради.

Дунё олимларини инсоннинг ҳаёлига ҳам келмайдиган кўпга фалокатлар айнаи иқлим ўзгариши билан боғлиқ экани ташвишга соляпти. Жумладан, Орол масаласи ҳам.

Ўзбекистон буну чуқур ҳис қилган ҳолда, Оролбўйи муаммосини ечишга бутун имкониятларини сафарбар эта бошлади. Олий Мажлис Сенати Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қўтбиддин БУРҲОНОВ

билан Оролбўйида олиб борилаётган ишлар хусусида суҳбатлашдик. — Бир вақтлар Орол денгизига ҳаёт қайноқ эди. Аммо йўл қўйилган улкан хатолар сабаб денгиз сувининг камайиши, Оролбўйининг буткул чўлланиши юз берди. Бугун Оролбўйи минтақасида юзгага келган экологик танглик, шубҳасиз, инсониятнинг янги тарихидаги энг мушкул муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Бу муаммо кўп йиллардан буён ечимини қутаётган муҳим масалалардан бўлиб келди. Фақат сўнги йилларга келиб амалга оширилаётган бир пайтда жаҳон ҳамжамияти томонидан минтақани экологик инновациялар ва технологиялар худуди деб эълон қилиш тўғрисидаги махсус резолюциянинг маъқулланиши келгусидаги ишларни янги босқичга олиб чиқишда муҳим платформа бўлади.

Ушбу резолюция, **биринчидан**, Оролбўйи минтақасидаги экологик, иқтисодий, иқтисодий ва демографик вазиятни яхшилашга қаратилган минтақавий тадбирлар ва ташаббусларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилади. **Иккинчидан**, Оролбўйи минтақаси табиатини тиклаш ва яхшилаш, табиий ресурсларни сақлаш ва аҳолининг ҳаёт сифатини ошириш йўлидаги илмий-тадқиқот, маслаҳатлашув фаолиятини рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Умуман олганда, БМТ Бош Ассамблеяси махсус резолюциясининг қабул қилиниши юқори технологик инновациялар, экологик тоза, энергия ва сув тежовчи технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этишга инвестицияларни жалб қилиш, “яшил иқтисодиёт” тамойилларини мажмуавий қўллаш, чўллар ва экологик миграция жараёнининг олдини олиш, экотуризмни ривожлантириш ва бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш учун зарур шарт-шароит яратиш ва рағбатлантируви омилини рағбатлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга қаратилган. Шу билан бирга, ҳужжат БМТ тизимидаги минтақавий устуворлик, интеграция ва барқарор ривожланишни қўллаб-қувватлаш бўлича икти-сослашган агентликлар, жамғармалар

— БМТнинг Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар худудига айлантириш тўғрисидаги резолюцияси тасдиқлангани бизга нима бериши мумкин?

— Албатта, Оролбўйида иқтисодий-иқтисодий ҳамда экологик барқарорлиқни таъминлаш борасида улкан ишлар амалга оширилаётган бир пайтда жаҳон ҳамжамияти томонидан минтақани экологик инновациялар ва технологиялар худуди деб эълон қилиш тўғрисидаги махсус резолюциянинг маъқулланиши келгусидаги ишларни янги босқичга олиб чиқишда муҳим платформа бўлади.

Ушбу резолюция, **биринчидан**, Оролбўйи минтақасидаги экологик, иқтисодий, иқтисодий ва демографик вазиятни яхшилашга қаратилган минтақавий тадбирлар ва ташаббусларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилади. **Иккинчидан**, Оролбўйи минтақаси табиатини тиклаш ва яхшилаш, табиий ресурсларни сақлаш ва аҳолининг ҳаёт сифатини ошириш йўлидаги илмий-тадқиқот, маслаҳатлашув фаолиятини рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Умуман олганда, БМТ Бош Ассамблеяси махсус резолюциясининг қабул қилиниши юқори технологик инновациялар, экологик тоза, энергия ва сув тежовчи технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этишга инвестицияларни жалб қилиш, “яшил иқтисодиёт” тамойилларини мажмуавий қўллаш, чўллар ва экологик миграция жараёнининг олдини олиш, экотуризмни ривожлантириш ва бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш учун зарур шарт-шароит яратиш ва рағбатлантируви омилини рағбатлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга қаратилган. Шу билан бирга, ҳужжат БМТ тизимидаги минтақавий устуворлик, интеграция ва барқарор ривожланишни қўллаб-қувватлаш бўлича икти-сослашган агентликлар, жамғармалар

ва дастурларнинг амалий ҳаракат ҳамда лойиҳаларини умумлаштириш ва улар ўртасидаги мувофиқлашувни таъминлашга хизмат қилади.

— Оролбўйи муаммолари ҳақида гапирганда, айниқса, кучли туз ва қум бўронлари кўпаяётгани кишини хавотирга солади. Аини пайтда қилинаётган ишлар шу каби хавфларни қай даражада бартараф этиши мумкин?

— Қум ва туз қўшиқининг олдини олиш, худудда янги экотизимни барпо этиш, шунингдек, чорвачиликни ривожлантириш учун озқабоб ўсимликларни кўпайтириш мақсадида худудда ўрмонзорлар барпо этиляпти. Бу Оролнинг қурганин тубида шамот тезлигининг секинлашишини таъминлайди, натижада қумли-тузли бўронлар камайдди. Олимпикларнинг қузатувларига қўра, бир туп ўрта ёшли вояга етган саксовул ўз илдири билан 10 тоннагача қумни ушлаб қолиши мумкин.

Шунингдек, 2 ёшли саксовулзорда ер устида эсувчи шамот 20 фоиз, 4 ёшлида 40 фоиз, 5 ёшлида 60 фоизи, 6 ёшлида 80 фоизгача камайдди, 7 ёшли саксовулзорда эса шамот тезлиги бутунлай тўхтайдди ва ҳавонинг чанг қум ва тузлар билан ифлосланиши 6 баробар камайдди. Бундан ташқари, 1 гектар майдондаги 4 ёшли саксовул-черкез ўрмонзори 1 йилда 1158 кг. ис газини ютиб, 835 кг. кислород ажратади.

Ўрмонзорлар барпо бўлган ерларда экотизим қайтадан тикланади, яъни қўшма қўшмадан иборат бўлган, қакраб ётган чўл саксовул ва бошқа чўл ўсимликлари билан қопланиб, яшил худудга айланади, шунингдек, у ерда ҳайвонот дунёси пайдо бўлади.

Бу борада, аввало, шўрга чидамли чўл ўсимликлари кўчларини экиш ёки уруғини сепиш учун денгизнинг қурганин тубида ерларни тайёрлаш жоиз. 2018-2020 йилларда денгизнинг қурганин тубида саксовул ва бошқа шўрга чидамли ўсимликлардан ўрмон барпо этиш ҳамда уларнинг яшаши учун қўлай муҳит яратиш мақсадида жами 1292 минг гектардан ортиқ майдонда қум тўплайдиган ариқлар тайёрланган.

2018-2020 йилларда жами 1200 минг гектардан ортиқ майдонда, шундан 766 минг гектарга уруғидан саксовул ва 72 минг гектарга кўчатида саксовул ва юлғун, 233 минг гектарга уруғидан қорабуроқ ва 133 минг гектарга қандим экилган. Жорий йил бошидан буён жами 459 минг гектар майдонда, шундан 174 минг гектарга уруғидан саксовул ва 12 минг гектарга кўчатида саксовул ва юлғун, 177 минг гектарда уруғидан қорабуроқ ва 96 минг гектарда қандим экилган. Бундан ташқари, кучли шўрланган 87 минг гектар ер қўшимча ўрганилиб, тегишли чоралар белгиланади.

Орол денгизининг қурганин тубини ўрмонзорлаштириш борасида бир қатор халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон ҳукумати ЮНЕСКО ва БМТ Тараққиёт дастури билан бирга “Оролбўйи минтақасида барқарор қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш орқали инсон хавфсизлигининг долзарб муаммоларини ҳал этиш” лойиҳасини амалга оширмоқда.

— Сўнги ўзгаришларнинг минтақа аҳолиси ҳаётига таъсири ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.

— Нафақат Оролбўйи минтақасида, балки Қорақалпоғистон Республикасида иқтисодий ва иқтисодий соҳада ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, таълим соҳасини олайлик. Янги ОТМлар, Тошкент шаҳридаги айрим олий таълим муассасаларининг филиаллари очилди. Натижада қабул квоталари ошяпти. 2016 йилда Қорақалпоғистонда қабул квотаси 3 700 дан ортиқни ташкил қилган бўлса, 2019 йилда 6 827 нафар абитуриент талабалик баҳтига мушарраф бўлган. Бу эса бевосита одамларнинг дунёқарашига ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Негаки, ота-оналарнинг олий маълумотли бўлиши фарзандларнинг билим олишга бўлган интилишини қўлайтиради, уларнинг ҳар бири масала ёки ҳолат эътиборини ўз қатъий фикрини айта олишига замин яратяди. Оролбўйи минтақасидаги муаммоларнинг илмий ечимини мана шу юрт фарзандлари излаб топишига хизмат қилади. Тури инновациялар яратишга ўзак бўлади. Шу билан бирга, ёшлар қизиқишидан келиб чиқиб, касб-ҳунарга йўналтирилишда, уларга белгиланган миқдорда ер ажратилмоқда.

Ердан унумли фойдаланиши, эл-юрт манфаатига муносиб ҳисса қўшиши учун кенг имконият яратиши, имтиёзлар берилмоқда. “Ҳар бир ёшга бир гектар” лойиҳаси доирасида 2021 йилнинг биринчи чорагида Мўйноқ, Қўнғирот, Тахтақўпир туманларида жами 10 002 гектар ер экин экиш учун ажратиб берилди. Қорақалпоғистоннинг қолган туманларида ёшларга деҳқончилик билан шўғулланиш учун қарийб 7,8 минг гектар ер ажратилган.

Биргина Мўйноқ туманида бу борада катта лойиҳалар амалга оширилмоқда. Хусусан, қишлоқ ҳўжалиги соҳасига иқтисослашган “Мўйноқ келажаги бунёдкорлари” корхонаси ташкил қилинди. Белгиланган истиқболли лойиҳалардан 58,1 миллиард сўмлик 50 та лойиҳа ишга туширилиб, 165 та янги иш ўрни яратилган. Бунда саноат соҳасида 12 миллиард сўмлик 9 та лойиҳа, хизмат кўрсатиш соҳасида 16,9 миллиард сўмлик 22 та ҳамда қишлоқ ҳўжалиги соҳасида 29,2 миллиард сўмлик 19 та лойиҳа ишга туширилган.

“Ёшлар дафтери” ва “Аёллар дафтери”га киритилган ишчилар босқичма-босқич иш билан таъминланмоқда. Мўйноқ тумани ободонлаштирилиб, худуддаги бир қатор иқтисодий объектлар реконструкция қилинмоқда.

1947 йилда қурилган ва 1990 йилларгача 3-тоифага эга аэродром сифатида фақат кичик самолёт ва вертолётларни қабул қила олган Мўйноқ аэропортининг таъмирланиб, қайта ишга туширилгани мўйноқликларга катта қувонч берганини, ҳозир мазкур аэропортга “Airbus A-320” самолёти ҳам бемалол қўнаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бундан ташқари, худудларга муаммоларни ўрганиш учун борган вақтимизда аҳолининг ихлоқлар ва ўзгаришлар ҳақидаги фикрларини эшитиб, гоят қувонамиз.

Чиндан ҳам, Орол денгизининг қуриши ва унинг аҳоли ҳамда экологияга келтирадиган зарари асрнинг глобал муаммоларидан бири сифатида кўтарилиди. Зеро, сўнги 4 йилда саноат корхоналари 2 баробар ортгани ҳисобига шаҳарлардаги чанг-газлар микдори 4 баробар ошгани, худудлардаги яшил майдонлар 8 фоизга камайиб кетгани аини мана шундай саъй-ҳаракатларни тақозо этмоқда.

“Янги Ўзбекистон” мухбири Муножат МҶМИНОВА ёзиб олди.

ТАДБИРКОРЛИК

ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ ТОНГЛАРИ

келгусида лойиҳаларимиз ишга туширилиши натижасида яна 3,5 минг янги иш ўрни ташкил этилади

Баҳритдин МҶМИНОВ, Навоий вилоятидаги “Бахт-текстиле” гуруҳи раҳбари

Тадбиркорлар тасодиғ, омад, шароит, имконият ва таваккал каби сўзларни кўп ишлатади. Қайсидир тадбиркорнинг ишбилармонлик тақдирини бу иборалар қандайдир ўринга эга бўлса бордир, бироқ мамлакат иқтисодиёти равнақида тасодиғ муҳим роль ўйнамаган.

Бизнесни мен хорижда савдо-сотиқ йўналишида бошлаганман. Ишлар юришиб, оёққа туриб олгач, Ўзбекистонда ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни ниёт қилиб, ҳамкор ахтардим. Бундан ўн беш йил муқаддам сўраб-суриштириб топган ҳамкоримиз Ўзбекистон Президенти ҳузуринида Давлат бошқаруви академияси тинловчиси Қўбул Турсунов бўлди. У кишига Навоий шаҳрида пиво ишлаб чиқаришга икти-сослашган корхона очиш режасини билдирганимда, худудда тўқимачилик саноати умуман йўлга қўйилмаганини айтиб, бу борада ўзининг аниқ ҳисоб-китобларини баён этди.

Урганишлар бу фикрлар ҳақиқат эканини тасдиқлади. Тўқимачилик соҳасида хусусий бизнесга келганда, уни

йўлга қўйиш нари турсин, рўйхатдан ўтказишнинг ўзи не-не машаққатларни талаб этишини яқши билардик. Чунки ўша даврда пахтани қайта ишлаш ошқора ва пинҳона монополия бўлиб, унга фақат муайян тоифадаги кишилар яқинлаша оларди.

Шунга қарамай, таваккал қилиб, 2006 йилда “Бахт-textile” МЧЖ Ўзбекистон — Лихтенштейн қўшма корхонасини ташкил этдик. Минг бир иборада эшигини тақиллата-тақиллата валютада кредит олдик. Ускуналарни келтириб ўрнатдик. 600 га яқин янги иш ўрни яратилди. Академияни тугатган Қўбул Турсунов корхонага директор этиб тайинланди. Дастлабки йиллардаёқ 10 миллион АҚШ доллари миқдоридидаги махсуслот экспорт қилинди.



2007 йилда республикада бирорта ҳам хусусий корхона мазкур ҳажмдаги махсуслот экспортга эришмаган. Лекин бу ўз-ўзидан бўлмасди. Биргина пахта толасини олиш учун кимдир вилоятда экспорт режаси бардоқ бўлишини айтиб, ўртага тушмас, масала ечимини топмасди. Шунингдек, йилгирилган махсуслот — калава-ипни экспорт қилишда ҳам юз фоизли олдиндан тўлов, деган талаб бор эди. Ҳаммасининг илжонини топиш шарт эди. Бошқача айтганда, бизнесимиз ўша кезлар дорбозликни эсларди. Ҳаракат қилверасан, лекин оёғинг қалтирайдди. Тўхтасанг, йиқиласан.

Ҳар ҳолда ишимиз ривожланди. Ўша кезлари ҳар йили 3000 тоннагача махсуслот экспорт қилардик. Ишга омад вақтида очилди, деганларидек, бизнесимизни кенгайтириш, тайёр трикотаж махсуслотлар ишлаб чиқариш режалари туғилди.

2017 йил мартида Навоийда пахтачилик кластерига асос солиниб, шу орқали қишлоқ худудларга тўқимачилик саноатини олиб кириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳолининг эртанги кунга ишончини муостаҳкамлашга киришилди. Бу узоқ йиллар мобайнида пахтачининг

яқинига ҳам йўлатилмаган тадбиркорлар фақатгина ишонч эмас, агар тармоқ эртасига, минг-минглаб одамлар тақдирига масъулликни ҳам юклади.

Пахтачилик кластеримизга 24 684 гектар экин майдони ажратилди. Дастлабки йили ҳосилдорлик 28 центнерга етиб, олинган фойда 40 миллиард сўмни ташкил этди. Биргина “Тошраб-текстиль”да 250 нафар аёлнинг иш билан таъминланиши 150 оиланинг йиллик даромадини 7 миллион 200 минг сўмга ошириш имконини бермоқда. Шунингдек, Навоий вилоятининг Кармана, Андижон вилоятининг Олтинқул туманларида, Фаргона вилоятининг Фарғона шаҳрида шу каби корхоналарнинг ишга туширилиши натижасида бугунги кунда 3000 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланди.

Бундан ташқари, пахта тўқимачилик кластери негизида янги корхона ва фабрикалар ташкил қилинди. Бунга мисол қилиб Навоий шаҳрида янги технологияли пневматик ва компакт усулда калава-ип йилгирли фабрикалари ишга туширилгани, бунинг натижасида 800 та янги иш ўрни яратилганини келтирсан бўлади.

Қишлоқ жойларда ишсиз хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадида Кармана туманида “Agro Baxt”, “Baxt-Madaniyat”, “Baxt-Jaloyir” тивук фабрикалари ташкил қилинди. Натижада уларга 1200 нафар йигит-қиз ишга қабул қилинди. Энг қувонарлиси, корхоналар тайёр махсуслотлар экспорт қилишга эришди. Жумладан, 2021 йилнинг саккиз ойида Навоий вилоятида 24 миллион ҳамда корхонанинг бошқа вилоятлардаги филиал ва шўба корхоналарида 18 миллион АҚШ доллари миқдоридида махсуслот экспорт қилинди.

Бугунги кунда Польша, Россия, Туркия, Беларусь, Эрон ва Хитой тайёр махсуслотларимизнинг асосий харидорлари ҳисобланади. Европа бозорлари га кишини кенгайтириш борасидаги ишларни давом эттиряпмиз.

Корхоналаримизда трикотаж ва газлама махсуслотларидан ишлаб чиқариладиган тайёр кийим-кечаклар сотиш мақсадида Москва шаҳрида “Азия инвест банк” ва “Baxt-textile” гуруҳи ҳамкорлигида қўшма лойиҳа ишга туширилди ва савдо логистика маркази ташкил этилди.

Агар соҳага янги технологиялар олиб кирдик. Гидропоника услубида қишлоқ ҳўжалиги махсуслотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Кармана туманида 11 гектарли, Навоий шаҳрида 3 гектарли, Самарқанд вилоятининг Пахтачи туманида 17 гектарли иссиқхоналар ташкил қилдик. Ҳозирги кунда халқимиз дастурхонига экологик тоза помидор ва бодиринг етказиб беряпмиз.

Бизнесни кенгайтиришга қаратилган катта режаларимиз бор. Аини дамда Самарқанд вилоятининг Жомбой туманида йилга 10 минг тонна пахта толасидан калава-ип йилгирли фабрикасини қурапмиз. Бунинг натижасида 600 нафар йигит-қиз ишли бўлади. Фабрика 2022 йилнинг биринчи чорагида ўз фаолиятини бошлайдди.

Пахтачи туманида эса 800 иш ўринли тивук фабрикасини қуриб битказиш арафасида турибмиз. Чет элдан юқори малакали мутахассисларни таклиф қилиб, ёшларни ўқитиб, уларга касб ўргатяпмиз.

Шу билан бирга, келгуси йилда Навоий вилоятида қиймати 1,3 триллион

сўмлик, йилга 25,9 минг тонна калава-ип ва матони бўяш лойиҳаси амалга оширилади. Унинг ҳисобидан 1500 та янги иш жойи яратилади. Қиймати 163,3 миллиард сўмлик, 4200 та йирик ва 5000 бош майда шохли мол боқими икти-сослашган чорвачилик комплекси ишга туширилиши эса 150 дан ортиқ янги иш жойини кафолатлайди.

Енгил саноат соҳаси ҳам маблағ сарфлаб, кўп иш ўрни ташкил этишининг энг яқши йўналишларидан биридир. Шунинг учун асосий эътиборимиз камбағалликни қисқартриш ва эҳтиёжман оилаларнинг даромадини яхшилашга қўлагилаш, қолвераси, ишсиз ёшлар ва хотин-қизлар учун иш жойлари очишга қаратилган.

Бугунга қадар 5,1 мингдан ортиқ кишининг бандлигини таъминлаган бўлсак, келгусида лойиҳаларимиз ишга туширилиши натижасида яна 3,5 минг янги иш ўрни ташкил этилиши мақсад қилганмиз.

Албатта, бизнесда ишларнинг доимий барқарорлиги кафолатланмаган. Чунончи, ўта кучли тақши ва ички рақобат муҳити, технология янгилашиллар, дунёдаги глобаллашув жараёнининг шиддати ҳар доим тадбиркор олдига ўз шартларини қўйиб туради, муаммоларни келтириб чиқаради.

Мамлакатимизда кейинги пайтда ишбилармонлик муҳитини равнақ топтириш йўлида тақдим этилган энгилликлар биз учун тараққиётнинг янги тонги бўлди, десам ҳеч бир муволага эмас. Мен ушбу лойиҳалар самарасини хомчут қилиб курсам, кластеримизнинг ўзи бунинг натижасида 100 миллион сўмга яқин фойда қўраб эканмиз.

Бундан ташқари, бир қатор тўсиқлар олиб ташланганини айтмайсизми?! Албатта, биз тақдим этилаётган энгилликлардан олган фойдамизни худудимиз инфратузилмасини яхшилаш, ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, янги корхона ва фабрикалар очиш, қишлоқ аҳолисининг маънавий ва маърифий ҳаётини юксалтиришга йўналтирамиз.



ҚАРОР ВА ИЖРО

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРГА ИСТИҚБОЛ БАХШИДА

Илмли, ташаббускор, фидойи, изланувчан ёшлар мамлакатимиз барқарор ривожланишининг муҳим таянчи

Беҳзод РАҲМАТУЛЛАЕВ,
Самарқанд вилояти
ҳокимлиги ташкилий-назорат
гуруҳи раҳбари

Иқтидорли ёшлар жамиятга янги руҳ олиб киради. Улар давр талабининг ҳам барометри ҳисобланади. Шу боис, давлатимиз раҳбари кейинги йилларда ёшларнинг таълим олиши, касб-хунар эгаллаши, етук мутахассис бўлиб етишиши, тадбиркорлик қилиши борасидаги сунъий тўсиқларни олиб ташлаш мақсадида ўнга яқин фармон ва қарорни имзолади. Бир қатор қонунларга ўзгартиришлар киритилди.



танлов асосида қабул қилиш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори асосида танлов тартиби ва уни ўтказувчи комиссия таркиби тасдиқланди. Жорий йилнинг 1 июлидан вилоят ҳокимлиги бошқарув аппарати таълим тизими лавозимларига <https://vacancy.argos.uz/> давлат фуқаролик хизматчилари вакант лавозимларининг

шаббускор ва шижоатли ёшлар учун ўзларини намоён қилишга майдон яратилди.

Бунинг натижасида ҳокимлик ўзига тегишли идораларни ёш мутахассислар билан таъминлашнинг оқилона ва барқарор тизимини шакллантирмоқда. Шу мақсадда ўтган ўқув йилида Самарқанддаги 7 та олий ўқув орти битирувчилардан лидерлик ва раҳбарлик қобилиятига эга бўлган 331 нафар йигит-қиз амалдаги мезонлар орқали танланиб, Самарқанд вилояти ҳокимлигининг кадрлар захирасига олинди.

Аввало, улар билан учрашув ва семинарлар уюштирилди. Мулоқотлар чоғида ёшлар иқтидори баҳоланди. Натижада бу йигит-қизларнинг 34 нафари вилоят миқёсидаги идора ва ташкилотларга, 142 нафари шаҳар, туман муассасаларига, 51 нафари эса хусусий секторларга ишга жойлаштирилди. Ёшларнинг 87 нафари эса таълимнинг кейинги босқичида ўқишни давом эттиряпти.

Давлат хизмати ривожлантириш агентлиги билан биргаликда вилоят-



ягона очиқ портали орқали ишга қабул қилишга киришилди.

Эътиборлиси, белгиланган малака талаблари билмими, замонавий фикр-лайҳадан, чет тилларни мукамал билладиган, компьютер дастуридан самарали фойдалана оладиган, та-

даги давлат идораларида хизмат кўрсатаётган ёш иқтидорли кадрлардан 50 нафари саралаб олинди. «Келажак лидерлари» клубига асос солинди ва унинг низоми тасдиқланди.

Клуб аъзоллигига давлат фуқаролик хизматида қизиқиши бор ва келажакда



раҳбарлик лавозимларида фаоллиқ юритиш истаги бўлган, лидерлик қобилиятига эга, ўқиш ва фаолиятида ютуқларга эришган олий таълим муассасалари битирувчилари ҳамда давлат органлари, ташкилотларида ишловчи 25-30 ёшдаги ходимлар танлов асосида қабул қилинади. Танлов ҳар йили бир марта ўтказилади.

Иқтидорли ёшларга бўлган эътиборни янада кучайтириш мақсадида вилоятдаги олий таълим муассасаларини 2021-2022 ўқув йилида тамомлаётган, интеллектуал жиҳатдан салоҳиятли 517 нафар талаба саралаб олинди. Улар билан тизимли ишлар олиб борилиб, халқ хўжалигининг турли соҳаларида ўз ўрнини топишига алоҳида эътибор қаратилади. Шу билан бирга, бу ёшларнинг малака ва кўникмасини ошириш, турли ижтимоий-сиёсий тадбирларда фаол иштирокини таъминлаш белгиланган.

Самарқанд давлат чет тиллар институтида вилоят ҳокимлиги истиқболли кадрлар захирасига олинган, олий ўқув юрларида тахсил олаётган ташаббускор, билимли ва иқтидорли талаба қизлар билан учрашув ўтказилди.

Мулоқот чоғида «Самарқанд илмли қизлари» клубини ташкил этиш бўйича билдирилган таклиф қўллаб-қувватланди. Талаба қизларнинг 50 нафари аъзо этиб сайланган клубга Самарқанд давлат чет тиллар институти талабаси Фарангиз Худоёрова раҳбар этиб сайланди.

Фаол ва ташаббускор талаба қизларининг Самарқанд вилояти ҳокимлиги истиқболли кадрлар захирасига олиниши ҳамда аҳил ва иноқ жамоага бирлаштиришдан кўзланган мақсад катта.

Биринчидан, вилоятда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлашга

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРГА БЎЛГАН ЭЪТИБОРНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ МАҚСАДИДА ВИЛОЯТДАГИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ 2021-2022 ЎҚУВ ЙИЛИДА ТАМОМЛАЁТГАН, ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ЖИҲАТДАН САЛОҲИАТЛИ 517 НАФАР ТАЛАБА САРАЛАБ ОЛИНДИ. УЛАР БИЛАН ТИЗИМИЛИ ИШЛАР ОЛИБ БОРИЛИБ, ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ ТУРЛИ СОҲАЛАРИДА ЎЗ ЎРНИНИ ТОПИШИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАДИ. ШУ БИЛАН БИРГА, БУ ЁШЛАРНИНГ МАЛАКА ВА КЎНИКМАСИНИ ОШИРИШ, ТУРЛИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ТАДБИРЛАРДА ФАОЛ ИШТИРОКИНИ ТАЪМИНЛАШ БЕЛГИЛАБ ОЛИНГАН.

доир ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг тарғиб қилиш ҳамда салоҳиятли раҳбар қизларнинг сонини кўпайтириб боришга алоҳида эътибор қаратилади.

Иккинчидан, ҳудудларда, айниқса, қишлоқларда хотин-қизларга кўрсатиладиган имконият ва эътиборни янада ошириш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини таъминлаш борасидаги ишлар самарадорлигига эришиш муҳимдир.

Учинчидан, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор масалаларни чўқур таҳлил қила оладиган, уларнинг гендер тенглигини таъминлаш ҳамда илгор тажрибалар асосида мавжуд муаммоларни ҳал қила олишга қодир бўлган жонқуяр кадрларни қўллаб-қувватлаш доимо долзарб вазифа ҳисобланади.

Мухтасар айтганда, илмли, ташаббускор, фидойи, изланувчан авлод шакллантирилиши пировард натижада мамлакатимиз барқарор ривожининг муҳим таянчига айланади.

ИЛМ-ФАН

ЧЕТ ТИЛИ ЎҚИТУВЧИСИНИНГ ПЕДАГОГИК БИЛИМИ ҚАНДАЙ БАҲОЛАНИШИ ЗАРУР?



Санжар ОБИДОВ,
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Хорижий тилларни ўрганишни
оммалаштириш агентлиги
директори вазифасини вақтинча
бажарувчи

Дунёда кечаётган глобаллашув, техника ва технологияларнинг шиддат билан ривожланиши, жаҳон ҳамжамияти билан алоқаларнинг чуқурлашуви халқимизнинг, хусусан, ёшларнинг хорижий тилларни ўрганишга талаби ва эҳтиёжи орттиришига сабаб бўлмоқда.

Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 майдаги «Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори чет тилларни ўқитиш тизимини ҳар томонлама қайта қўриб чиқиш ва хорижий тил бўйича педагоглар фаолиятини янги босқичга кўтаришни тақозо этади. Сўнги йилларда ёшларнинг хорижий тилларни ўрганишига қизиқиши янада ортиб,

улар бирваракайига бир неча хорижий ва маҳаллий олий таълим муассасалари талабалигига мушарраф бўлмоқда. Бироқ таълим сифати келганда «хорижий тил мутахассиси дарс ўтиш маҳоратига эга эмас: аудиторияни бошқаролмайпти, қизиқарли дарс ташкил эта олмайпти ёки замонавий методикалардан хабардор эмас» каби эътирозларни эшитмоқдамиз. Бу хорижий тил таълимига доир қарашларни ҳамда чет тил бўйича педагогларга қўйиладиган талабларни қайта кўриб чиқиш лозим.

Мамлакатимиз ва дунё стандартларига мос равишда жорий этилган тестлар талабгорларнинг тил билиш даражаларини, яъни ўқиш, ёзиш, тинглаб тушуниш ва гапиришга доир билимларини аниқлашда ёрдам беради. Бундай билимлар муайян доирадаги мулоқот ва коммуникация учун нуфузли олий таълим муассасаларига ўқишга кириш ёки тил билиш даражаси қандай эканини аниқлашга мўлжалланган. Бироқ тил таълими, педагогика нуқтаи назаридан бундай компетенциялар маҳоратли педагог учун етарли эмас.

Шунингдек, аудиторияга хорижий тилни ўргатиш учун жалб қилинган педагогдан юқори даражада малака, кўникма талаб этилиши ва тилни мукамал билиш билан бир қаторда етарлича педагогик, психологик билим ва маҳорат зарурлиги тўғрисида тажрибали маҳаллий ва хорижий мутахассисларнинг хулосалари мавжуд.

Шундай экан, бўлғуси хорижий тил ўқитувчидан фақат тилни билиш даражасига доир билимларни талаб қилишимиз ва уларни шу йўналишда тайёрлашимиз нечоғлик тўғри?

Тадқиқотлар кўрсатдики, жаҳон миқёсида чет тили педагоглари дунёнинг энг кучли университетлари юзталигида айнан педагогик маҳорат ва тил билиш даражасига доир халқаро тестлар бўйича баҳоланади. Улардан энг йириги Trinity ESOL: TESOL/TEFL, Cambridge ESOL: TKT TESOL тестлари бўлиб, улардан муваффақиятли ўтганлар дунёнинг деярли барча таълим муассасасида дарс бериш ҳуқуқини қўлга киритади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасига таянадиган бўлсак, инглиз тили ўқитувчиларининг инглиз тили ва ўқитиш методикаси бўйича билимларини мутахассислар орасида ТКТ номи билан машҳур «The Teaching



Тадқиқотлар кўрсатдики, жаҳон миқёсида чет тили педагоглари дунёнинг энг кучли университетлари юзталигида айнан педагогик маҳорат ва тил билиш даражасига доир халқаро тестлар бўйича баҳоланади. Улардан энг йириги Trinity ESOL: TESOL/TEFL, Cambridge ESOL: TKT TESOL тестлари бўлиб, улардан муваффақиятли ўтганлар дунёнинг деярли барча таълим муассасасида дарс бериш ҳуқуқини қўлга киритади.

Knowledge Test») (Ўқитишдаги билимларни баҳолаш тести) орқали баҳолаш ва уларнинг методик билимларини ошириб боришимиз мақсадга мувофиқ.

Бу тест тизими педагогик тажрибага эга бўлганлар, шунингдек, инглиз тили ўқитувчиси бўлиш умидида юрган талабалар учун мўлжалланган бўлиб, уч асосий модулдан таркиб топган.

Унинг қўшимча модуллари — CLIL (Content and Language Integrated Learning) ҳамда YL (Young Learners) нафақат чет тили ўқитувчилари, балки бошқа фанларни хорижий тилда ўтадиган мутахассислар ва 6-12 ёшли болаларга дарс берувчи педагогларга ҳам мўлжалланган.

Афзалликларига тўхталадиган бўлсак, асосий ва қўшимча модулларнинг ҳар бири алоҳида топширилиши мумкин. Ҳар бир

модул 80 та саволдан иборат бўлиб, бир модулни топшириш давомийлиги 1 соат 20 дақиқани ташкил этади. Талабгорларга қўйиладиган шартларнинг энг асосийси — педагог CEFR бўйича камида В1 даражага эга бўлиши керак. Бундай тест тизими янги авлод педагоглари учун ҳам зарур.

Хулоса ўрнида айтмоқчи бўлганимиз шунки, биз янги давр хорижий тил ўқитувчиларини тайёрлашда уларнинг фақат тил билиш даражасини эмас, балки ўз дарсларига аудиторияни қизиқтира олиш маҳорати, замонавий метод ва таълим технологияларини қўллаш ҳамда ўқувчиларнинг тил ўрганишга эҳтиёжини сифатли таъминлаб бера олиш компетенциясига ҳам эътибор қаратишимиз лозим.

Зотан, битта маҳоратли педагог озолаб шижоатли, билимли ёшларни тарбиялайди.

ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ЯНГИ БОСҚИЧГА ҚАДАМ ҚЎЙДИ

Шариф ПЎЛАТОВ,
Тошкент давлат техника университети
Кўқон филиали директори

Ўзбекистонда таълим соҳасини қўллаб-қувватлашга қаратилган ислохотлар биз, зиёлиларни, айниқса, хушнуд этади.

Филиалимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 сентябрдаги қарори асосида ташкил этилган. Бу ерда электр техникаси, электр механикаси ва электр технологиялари, электроника ва асбобсозлик, материалшунослик ва янги материаллар технологияси, технология машиналар ва жиҳозлар, электрон аппаратуралар ишлаб чиқариш технологияси йўналишлари бўйича бакалаврлар тайёрланади.

Филиалимизда навбатдаги ўқув йили учун квоталар сони оширилгани аниқ мудоао бўлди. Қўнғузги таълим учун 250 нафар, сиртки таълим учун 125 нафар талаба қабул қилиниши филиалимиз нуфузи ошириб боришига ҳисса қўшиши шубҳасиз.

Мустиқиллик тантаналари арафасида Кўқон механика заводи ҳузурида Касбга ўқитиш инновацион маркази тўла қуриб чиқилиши билан таълим тизимининг янги баърадаги қадам қўйилди. Бу ерда замонавий касбларга ўқитишга мўлжалланган лабораторияларда машинасозлик санати учун деталларни компьютер технологиялари ёрдамида тайёрлаш, рақамли дастурлаш ҳамда электр пайвандлаш технологияси соҳаларида инновацион услубларда дарслар ўтиш мумкин. Яратилган бу каби шарт-шароитлар ҳозирданқўнғуз натижаларини бermoқда. Хусусан, талабаларнинг томонидан қилинган бир неча янги иштироқлар учун патентлар олишга эришялми.

Кам таъминланган талабаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ижарада турувчи талабаларга ижара пулини тўлаб бериш тизими жорий этилиши нур устига нур бўлди. Биз ҳам мазкур ўқув йилида филиал талабаларига енгиллик яратиш мақсадида Кўқон автотранспорт техникумининг 500 ўринли ётоқхонасини ижарага олди. Шунингдек, талаба қизлар учун филиалимиз асосий биносига жойлашган 100 ўринли ётоқхона ажратилди. Албатта, бу каби саъй-ҳаракатларимиз таълим сифатини оширишга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 августдаги «Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори яна бир эзгу амалга қўл уришимизга асос бўлди. Кўқон шаҳрида жойлашган 12-Меҳрибонлик уйида таълим-тарбия ишларини яхшилаш мақсадида турли тўғрақлар ташкил этиш юзасидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқиди. Мазкур режа асосида ўқув йили давомида робототехника, IT йўналишдаги тўғрақлар фаолиятини йўлга қўямиз.

Талабаларимиз учун яратилаётган шароитлар, уларнинг ғайрат-шижоатини кўриб ишонч билан айта оламаник, Тошкент давлат техника университетининг Кўқон филиалида етишиб чиққан мутахассислар Ўзбекистонимизнинг тарақиётида амалий иштирокига бўла олади.

www.yuz.uz

yuz.uznews

yuz_official

yuz.uznews

Имом Мотуридий ва унинг издошларига кўрсатилаётган юксак эътибор



Давронбек МАХСУДОВ,
Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори

Ўзбекистон азалдан жаҳон цивилизациясига бебаҳо ҳисса қўшган илфан ва маданият ўчоқларидан бири. Буюк мутафаккир аждодларимиз томонидан ёзилган илмий асарлар, яратилган ихтиро ва кашфиётлар замонавий фан соҳаларининг юзага келишига асос бўлиб хизмат қилган. Алломаларимиз

ҳаёти ҳамда илмий меросини чуқур ўрганиш, халқаро жамоатчиликка кенг тарғиб қилиш, уларнинг номларини тиклаш ва қадамжоларини обод қилиш юзасидан мамлакатимизда кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Буюк аллома аждодларимиз ҳаёти ва фаолиятини ўрганишга бағишланган халқаро анжуман ва симпозиумлар ўтказилмоқда. Жумладан, 2020 йилнинг 3-5 март кунлари Самарқанд шаҳрида "Имом Абу Мансур Мотуридий ва мотуридия таълимоти: ўтмиш ва бугун" номли халқаро конференция мотури-

Ўзбекистон ўз тарихида бўлгани каби қайтадан бутун дунё эътиборига олимлари ва талабаларини ўзига жалб этадиган маърифат марказига айланади.



Режеп ШЕНТУРК,
Ибн Халдун университети профессори

асарларининг Шарқ ва Ғарбнинг етакчи таълим даргоҳларида дарслик сифатида ўқитилиши уларнинг юксак илмий салоҳияти халқаро ҳамжамият томонидан эътиборга эришилганини кўрсатади.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, Мовароуннахр худудида IX–XII ва XIV–XV асрларда содир бўлган икки Шарқ уюғиши даври — Ренессанснинг юзага келишида минтақада дунёвий ва

дунёвий таълимоти илмий асосда ўрганиш ҳамда унинг глобаллашуви жараёнида мўтадил таълимоти тарғиб қилишдаги ўрнини асослаб беришга хизмат қилди.

Конференция иштирокчилари томонидан мамлакатимизда Имом Мотуридий ва мотуридийлик таълимоти кўрсатилаётган эътибор юксак баҳоланди. Ўзбекистоннинг

Имом Абу Мансур Мотуридий Ислам тафаккури тарихида муҳим ўрин тутди. У ҳижрий IV асрда Мовароуннахрда пайдо бўлган ва ислом оламида тарқалган суннийлик мактаби асосини ҳисобланади.



Солим ал-МАЛИК,
Фан, таълим ва маданият масалалари бўйича Ислам олами ташкилоти (ICESCO) бош директори

диний илмларнинг юксак тараққий этгани муҳим омил бўлганини кўриш мумкин. Ушбу иккала тарихий даврда ҳам илм-фан, хусусан, илм аҳли маҳаллий ҳукмдорларнинг доимий эътибори ва ҳамхўрлиги остида бўлган. Натижада Бухоро, Самарқанд, Урганч, Шов, Кеш, Насаф каби шаҳарлар бутун дунёдан толиб илмлар келиб, таҳсил оладиган илмий марказларга айланган.

Бугун юртимизнинг илм-фан ҳамда тараққийёт соҳасида эришган оламшумул довуруғини қайта тиклаш мақсадида изчил иш олиб борилмоқда. Ушбу мақсадни юзага чиқаришда ҳам илм-фан тараққийёти асосий омил сифатида белгилаб олинди. Хусусан, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги

мотуридийлик таълимоти тимсолида бутун дунёга мўтадил таълимоти тарқатиш марказига айланиши алоҳида таъкидланди. Анжуманда Имом Мотуридий ва мотуридийлик таълимотини ўрганишни янги босқичга олиб чиқиш мақсадида Имом Мотуридий номли халқаро илмий марказни ташкил этиш тақдирини илгари сурилди.

2020 йил 11 август куни давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузурида Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази ташкил этиш тўғрисидаги қарори эълон қилинди.

Шу ўринда ҳақиқат бир савол туғилди: нима учун айнан бундан қарийб 12 аср аввал яшаб ўтган Имом Мотури-

Ўзбекистон улуғ мутафаккир ва алломалар қолдирган илмий-маънавий мерос аҳамиятини чуқур англаган ҳолда, уларга ҳар қачонгидан кўра кўпроқ эътибор қаратилмоқда.



Карим ИФРАК,
Франция Фанлар академияси илмий ходими, профессор

Ислам цивилизацияси маркази тарихида "Байтул ҳикма" ва Маъмур академиялари билан кузатилгани каби янги тараққийётнинг марказий нуқтасига айланиши кутилмоқда.

Сўнги йилларда тарихимиз, хусусан, буюк мутафаккир аждодларимизнинг

дий меросини ўрганиш яна долзарб-лик касб этмоқда? 1 200 йил олдинги шароит бугунги кунга қанчалар тўғри келади?

Имом Мотуридий олимлар томонидан буюк мутақаллим, қомусий аллома ва улуғ мутафаккир сифатида эътибор

Бугун халқимиз улкан ўзгаришлар, муҳим тарихий жараёнларга гувоҳ бўлмоқда. Хусусан, сўнги йилларда юртимизда диний-маърифий соҳада амалга оширилаётган илмий-тадқиқотлар нафақат мамлакатимиз, балки хорижий давлат ва жамоат арбоблари, олим ҳамда мутахассислар томонидан юксак эътироф этилмоқда.



этилади. У асос солган мотуридийлик таълимоти пайдо бўлган даврдан хозирги кунга қадар муҳим амалий аҳамиятга эга бўлиб келган. Маълумки, ислом динида адашган тоифалар, бузғунчи оқимлар бугун пайдо бўлиб қолмаган. Улар келиб чиқишининг тарихий-ғоявий илдири илк ислом даврига бориб тақалади. Ўз даврида ислом уламолари томонидан бу каби бузғунчи ақидаларга илмий асосланган раддиялар берилган, уларга қарши курашнинг маърифий асослари шакллантирилган. Имом Мотуридий ҳам мана шундай олимлардан бири сифатида "Мусаҳ-ҳиҳ эътиқод ахли сунна" — "Ахли сунна эътиқодининг тўғриловчиси" каби шарафли номга сазовор бўлган. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, ушбу

мамлакатларнинг етакчи илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликда Марказ илмий ходимларининг малакасини оширишга қаратилган 6 та онлайн давра суҳбати, 15 та онлайн илмий семинар ўтказилди.

Марказ фаолиятини халқаро миқёсда тарғиб қилиш, истиқболдаги режаларни жаҳоннинг етук мутахассислари билан муҳокама қилиб олиш мақсадида 2020 йил 17 декабрда "Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази: истиқболдаги режалар" мавзусида халқаро онлайн анжуман ташкил этилди. Анжуманда Миср, Мароккаш, Иордания, Туркия, Германия, Малайзия, Индонезия, Буюк Британия, Франция, Бирлашган Араб Амириклари, Мавритания, Тунис, Ҳиндистон ва Австрия каби мам-

Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш ташаббусини биз яшаб турган асрдаги энг улуғвор иш, деб ҳисоблайман.



Мустафо ЧЕРИЧ,
Босния собиқ муфтйиси, Бутунжаҳон боснияликлар конгресси президенти

таълимот вакиллари IX асрдан буён ихтилофи ақидавий масалаларга жавоб бериш, мўтадил таълимоти кенг тарқатиш юзасидан улкан ишларни амалга ошириб келмоқдалар.

Президентимизнинг мазкур қарори халқаро ташкилотлар, дунёнинг кўзга кўринган уламолари, давлат ва жамоат арбоблари, олим ҳамда мутахассислар томонидан катта мамнуният билан қутиб олинди.

Шу нуқтаи назардан, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази томонидан ҳам халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш мақсадида бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Мотуридийлик таълимоти исломий тафаккурнинг мўтадил рамзидир.



Назир АЙЙАД,
Ал-Азҳар ислом тадқиқотлари маркази бош қотиби (Миср)

Мўтадил таълимоти халқаро миқёсда тарғиб қилиш, Марказ фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, унга жаҳоннинг энг илгор ва инновацион тажрибаларини таъбиқ этишга кўмаклашиш, ислом илмлари, хусусан, мотуридийлик таълимоти оид долзарб масалалар бўйича илмий ечим ва амалий тақдир-тавсияларни ишлаб чиқиш мақсадида Марказ қошида Миср, Туркия, Иордания, Албания, Германия, Россия, Малайзия, Афғонистон, Қирғизистон, Ўзбекистонлик 22 нафар аъзодан иборат Халқаро илмий Ҳай'ат тузилган.

Ҳозирда Ҳай'ат ўз фаолиятини изчил давом эттириб, йиғилишларни юқори савияда ўтказиб келмоқда.

Айни дамда Марказ томонидан Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом олами ташкилоти (ICESCO), Туркиянинг Анқара, Салжук университетлари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилиб, амалий натижаларга эришилмоқда. Илмий-тадқиқот соҳасида ўзаро таъриба алмашинувини йўлга қўйиш мақсадида Миср, Туркия, Франция, Германия, Малайзия каби

симпозиумни ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинди. Умуман, ўтган қисқа муддат давомида Марказ илмий жамоаси томонидан икки — классик ва замонавий йўналишда тадқиқотлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Жумладан, классик ислом манбаларининг тадқиқи йўналишида Имом Мотуридийнинг Куръон тафсирига бағишланган "Таъвилот ал-Куръон" асарининг 29-жузи, Бурҳониддин Марғинонийнинг фикҳ илмига оид "Ҳидоя" асари 1-жузи ҳамда Мулла Али Қорининг "Шарҳ ал-Фихр ал-акбар" асарининг тўлиқ ўзбек тилидаги таржимаси китоб ҳолида нашр этилди.

Бугунги кунга келиб, "Таъвилот ал-Куръон"нинг 28- ва 27-жузлари таржимаси якунланиб, нашрга тайёрланмоқда. Эътиборлиси, марказга жалб қилинган мисрлик танкити мотуридийшунос олим Аҳмад Даманхурий ва ёш олим, Ўзбекистон халқаро ислом академияси битирувчиси Ихтиёр Абдураҳмонов Имом Мотуридийнинг шоҳ асари ҳисобланган "Китоб ат-тавҳид" асарини унинг Кембридж университети

IRCIKA Имом Мотуридий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази билан ўзаро ҳамкорлик қилишни шараф деб билади.

Эрол КИЛИЧ,
Ислам тарихи, санъати ва маданиятини тадқиқ қилиш маркази (IRCIKA) директори



қутубхонасида сақланаётган ягона қўлёзма нусхаси асосида замонавий нашрини тайёрламоқда. Марказ томонидан амалга оширилган катта ишлардан бири бу Мотуридийлик таълимоти оид муҳим 6 та ақида матн ва шарҳларини илк бора ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этилиши бўлди. Зеро, айнан ақида илмида адашишлик натижасида замонавий радикал оқимлар юзага келаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Имом Мотуридий маркази она заманимиздан етишиб чиққан олимлар ҳаёти ва илмий меросини аҳолига халқчил услубда етказиб бериш борасида ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Хусусан, Имом Мотуридий ва унинг аллома издошлари ва ўғитларини ўз ичига олган 10 та халқчил рисола чоп этилди.

Замонавий тадқиқотлар йўналишида эса бугунги куннинг долзарб масалаларига жавоб сифатида "Мутаассибликка қарши мўтадиллик", "Долзарб раддиялар", "Ислам никобидидаги мутаассиб гуруҳлар" каби китоблар ҳамда ўқув-услубий қўлланма ва рисо-лалар нашр этилди.


Ушбу илмий изланишларни омма-

Жумладан, Марказ ҳузурида "Мотуридийлик" илмий-маърифий журнали таъсис этилган. Ушбу журналнинг нашр этилиши юртимизда мотуридийшунос-лик соҳасида илгари ташланган муҳим қадам бўлди.

Бугунги ахборот технологиялари асрини интернет ва ижтимоий тармоқларсиз тасаввур қилиш мушкул. Жумладан, ижтимоий тармоқларда Марказ илмий ходимлари иштирокида "Мовароуннахрлик буюк сий-молар", "Эътиқод дурдоналари", "Қуръон таъвиллари" рўкнари остида тайёрланган туркум кўрсатувлар омма эътиборини ўзига қаратмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон ҳудудидаги диний ва дунёвий билим юртлири талабалари ўртасида "Мотуридий издошлари" номли мақола, видеоролик ва инфографикалар танлови ҳам юқори савияда ташкил этилди. Унда турли таълим муассасаларидан юзга яқин талаба ўз материаллари билан иштирок этди. Ҳақиқат қимматбаҳо совгалар билан тақдирланди.

Шуни алоҳида фахр билан тилга олиш кераки, Марказ фаолияти нафақат ма-

Ислам олами Имом Мотуридийнинг илмий мероси, мотуридийлик таълимоти ва ушбу таълимотнинг эзгу ғояларини тарғиб қиладиган ана шундай илмий марказга катта эҳтиёж сезмоқда.



Аҳмад Саъд ДАМАНХУРИЙ,
Ал-Азҳар университети доктори (Миср),
Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази бош илмий ходими

лаштириш ҳамда уларни халқимиз қў-лига етказиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллигига бағишлаб жорий йилнинг 26 август куни Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида "30 йилликка 30 китоб" номли китоблар тақдироти ўтказилди.

Илмий тадқиқотлар олиб бориш учун ноёб манбалар, қўлёзмалар талаб этилади. Шу сабабли дунёнинг турли мамлакатлари кутубхоналарида сақланаётган ислом илмларига оид қўлёз-маларнинг электрон ва факсимиле нусха-ларини жамлаш, уларнинг каталогини яратиш Марказ олдидан турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Шу мақсадда, бугунги кунга қадар Туркия-

ҳаллий, шунингдек, хорижий ОАВ орқали ҳам кенг еритилмоқда. Жумладан, Миср, Туркия, Саудия Арабистони, Малайзия, Италия, Франция, Россия, Қозғоғистон, Қирғизистон мамлакатлари, ICESCO, IRCICA халқаро ташкилотла-ри ахборот воситаларида Марказ ҳақида қўллаб ахборот ва таҳлилий маълум-лотлар нашр этилган.

Оқирдиғилар билан бир қаторда, Марказ истиқболда халқимиз қалбидан муносиб жой эгаллаб, уларга соф ислом таълимоти етказиш, мотури-дийлик таълимоти оид асарларнинг илмий-изоҳли таржималарини яратиш, мунтазам равишда халқчил рисола-лар нашр этиб бериш, оммавий ахборот воситалари орқали маърифий мазмунга

Ушбу марказ дунё бўйича ўз йўналишидаги биринчи илмий муассаса ҳисобланади.



Сўнмез ҚУТЛУ,
Анқара университети Илҳиёт факультети профессори

нинг "Аё София", "Мурод Мулла", "Атиф афанди" каби қўлёзма фондларида сақланаётган жами 10 000 га яқин ноёб қўлёзма манбаларнинг электрон нус-халари жамланиб, уларни тадқиқ этиш, хусусан, каталогини яратиш устида иш олиб борилмоқда.

Марказнинг илмий-тадқиқот, маъна-вий-маърифий соҳада қўлга киритган натижалари, эришган ютуқларини кенг жамоатчиликка етказиш юзасидан ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

эга бўлган медиа контентни тарқатиш, Имом Мотуридий ва мотуридийлик таълимоти оид доир беш томлик энцикло-педия чоп этиш, дунё ва юртимиз ку-тубхоналарида сақланаётган қўлёзма манбаларнинг каталогини яратиш каби муҳим вазифаларни амалга ошириши режалаштирилган.

Ишончимиз комилки, мамлакатимизда тараққийёт сари қўйилган қадамнинг илм-маърифат орқали амалга ошири-лиши яқин йилларда ўзини оқлайди.

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти) ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайдиган ва муаллифга қайтарилмайдиган. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирилган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик хизматдан сифатли чоп этилишига "KOLORPAK" М-Ж масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма — 2965. 76354 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоши қилинган нархда.

"KOLORPAK" М-Ж босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060. Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй. Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Лутфулла Сувонов
Муассаси: Асолат Шербекоева
Дизайнер: Хурида Абдуллаева

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй